



# SCIENCE TIME

## МЕҲРИБОНЛИК УЙИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲАЁТГА МОСЛАШИШИДА ХУЛҚ - АТВОРИ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Тўракулов Лазиз Тиркашевич**

Жиззах ДПУ Педагогика назарияси  
кафедраси катта ўқитувчиси.

E-mail: [laziz\\_turaqulov3@gmail.com](mailto:laziz_turaqulov3@gmail.com)

**Абдурасулов Рустам Абдураимович**

Жиззах ДПУ Умумий психология кафедраси  
профессори, психология фанлари доктори.

E-mail: [abdurasulovrustam8@gmail.com](mailto:abdurasulovrustam8@gmail.com)

**Аннотация:** Ушбу мақолада меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоий ҳаётга мослашишида хулқ-атвор хусусиятларини ўрганиш борасида олиб борилган илмий тадқиқот натижалари ёритилган бўлиб, унда тарбияланувчиларининг мослашувида ўзаро муносабатларни ташкил қилиш жараёнида шахс психологик хусусиятларининг аҳамияти очиб берилган, уларнинг аҳамияти илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** рақобат, мослашиш, мураса қилиш, келишиш, тортишувдан қочиш, ҳамкорлик.

**Аннотация:** В данной статье освещаются результаты научного исследования, проведенного по изучению поведенческих особенностей воспитанников детского дома в условиях адаптации к социальной жизни, в которых выявлено значение психологических особенностей личности в процессе взаимоотношении воспитанников и научно проанализировано их значение.

**Ключевые слова:** конкуренция, адаптация, компромисс, соглашение, избегание конфликта, сотрудничество.

**Annotation:** This article highlights the results of a scientific study conducted to study the behavioral characteristics of orphanage pupils in conditions of adaptation to social life, in which the importance of psychological characteristics of the individual in the process of the relationship of pupils is revealed and their significance is scientifically analyzed.

**Keywords:** competition, adaptation, compromise, agreement, conflict avoidance, cooperation.

### КИРИШ.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоийлашувида, ижтимоий ҳаётга (жамоага, гуруҳга, оилавий ҳаётга) мослашиши бевосита шахслараро муносабатлар билан боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Маълумки, шахслараро муносабатнинг у ёки бу даражада намоён бўлиши шахсининг хулқ - атвори, унинг психологик хусусиятлари, уни ўзини тутиши, муомала маданияти асосида юзага келадиган ҳолатдир. Шахслараро



# SCIENCE TIME

муносабатда турли хил вазиятлар, жумладан низоли вазиятлар ҳам содир бўлиб туради, бу эса ижтимоий ҳаётда дуч келинадиган табиий жараён ҳисобланади. Шу жиҳатдан, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоийлашувини ўрганишда К.Томаснинг «Низоли вазиятларда ўзини тутиш» методикасидан фойдаландик.

## МЕТОДЛАР.

Психологик адабиётларда низоли вазиятларга шахслараро муносабат, ижтимоий психологиясида батафсил маълумот берилганлиги боис биз бунга изоҳ бериб ўтирмаймиз, фақат бир ҳолатга эътибор қаратиб ўтамиз. У.Р.Убайдуллаева ўзининг диссертацион тадқиқот ишида К.Томас методикасига таяниб қуйидаги фикрларни билдиради: «Низоли вазиятларда одамларнинг ўзини тутиши (хулқ-атвор) типларини таърифлаш учун низоли ҳал қилишда икки хил мезон қўлланилади, унинг асосий ўлчаш мезони бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: кооперация - инсоннинг низолашиб қолган бошқа одамларнинг қизиқишлари билан боғлиқ ҳамда шиддатли - ўз қизиқишларини ҳимоя қилишга урғу бериш». Ушбу икки ўлчаш мезонига мувофиқ низоларни бартараф этишнинг қуйидаги усуллари ажратиб кўрсатилади:

1. Рақобат - бошқаларнинг зарари ҳисобига ўз қизиқишларини қондириш.
2. Мослашиш - бошқа одамларнинг қизиқишлари учун ўз қизиқишларидан воз кечиш.
3. Мураса қилиш, келишиш - ўзаро билдирилган талаблардан иккала томоннинг воз кечиши орқали низоли эчиш.
4. Тортишувдан қочиш - кооперацияга ҳаракатнинг ва ўз мақсадларига интилишнинг йўқлиги.
5. Ҳамкорлик - вазият қатнашчиларининг иккала томоннинг қизиқишларини қаноатлантирадиган алотернатив ечимга келиши» [2. 53-54].

## ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ.



# SCIENCE TIME

Тадқиқот ишимизда меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоий ҳаётга мослашишида уларнинг хулқ - атвор хусусиятлари, ўзини тутиши, низоли вазиятларда шахсий ёндошув шакилларини ўрганиш учун К.Томаснинг «Низоли вазиятларда ўзини тутиш тактикаси» тестидан фойдаландик. Қуйидаги жадвалда тадқиқотда олинган натижалар келтирилган (2.2.1- жадвал).

2.2.1-жадвал

Томас методикаси бўйича тадқиқот натижалари (n-71)

№	Хусусиятлар	Самарқанд (n= 21)			Қашқадарё (n=39)			Жиззах (n = 11)		
		X	$\sigma$	t	X	$\sigma$	t	X	$\sigma$	t
1.	Рақобат	6,3684	1,46099	0,127	6,4211	1,60955	0,127	6,4211	2,52357	0,000
2.	Хамкорлик	6,1579	1,42451	1,478	5,5263	1,50438	1,478	6,0000	1,56347	-,0963
3.	Муросалилик	5,8421	1,80318	0,547	5,5263	1,77540	0,547	5,6842	2,13574	-0,201
4.	Тортишувдан қочиш	4,4211	2,00875	-1,634	5,3684	1,92095	-1,634	4,5789	1,60955	1,513
5.	Вазиятга мослашиш	7,2105	1,58391	0,106	7,1579	1,74047	0,106	7,2632	2,30560	-0,155

Изоҳ: \*- кўрсаткичлар ўртасида тафовутли натижалар кузатилмади.

**1. Рақобат.** Русча - ўзбекча луғатда рақобатга рақиблик, кураш, рақобат қилиш, бахслашиш, ким ўзар ўйнаш каби таърифлар берилган бўлиб, бу таърифлар кўпроқ спорт турларига мос ҳисобланади. Психологик адабиётларда эса рақобат қуйидагича изоҳланади: «Шахснинг қизиқишлари бошқаларнинг қизиқишидан устун қўйилиши ва бошқаларнинг зарари ҳисобига ўз қизиқишини қондиришга эришишдир». Олиб борилган тадқиқот натижалари меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида ўртача кўрсаткичга эга эканлигини кўрсатмоқда, яъни кўрсаткичлар ўртасида тафовут кузатилмади. (2.2.1-жадвалга қаранг). Олинган натижалар асосида айтиш мумкинки, бу кўрсаткичлар тарбияланувчиларда рақобатга бормаслик, низоли вазиятларда ўзини тута олиш, ўз хатти - ҳаракатларини назорат қила билиш, бошқалар билан муроса қилиш, вазиятга мослашига ҳаракат қилиш каби хулқ - атвор хусусиятлари намоён бўлди (Самарқанд – 6,3684; Қашқадарё – 6,2411; Жиззах – 6,4211).



# SCIENCE TIME

Айтиш жоизки, олинган ушбу натижалар меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоий ҳаётга мослашишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, тарбияланувчилар ўзаро муносабат жараёнида рақобатга киришмаслик, мураса йўлини танлаши, кооперация моделига таяниши уларнинг ижтимоийлашувида, жамоада, ҳаётда ўз ўрниларини топишга ёрдам бериши мумкинлигини билдиради, бу ҳолатни тадқиқот натижалари ҳам кўрсатиб турибди.

**2. Ҳамкорлик.** Психологияда ҳамкорлик шахслараро муносабатларда юзага келадиган низоли вазиятларда муҳим ҳисобланади. Чунки, ҳамкорлик сифати низолашаётган кишиларнинг қизиқиш ва мақсадларини ҳисобга олган ҳолда ҳар иккала томонни қизиқтирадиган альтернатив ечимни топишда катта аҳамиятга эга бўлади. Албатта, ҳамкорлик сифати меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоий ҳаётга ижтимоийлашуви жараёнида ҳам муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун биз меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоий ҳаётга мослашишида ҳамкорлик хислатини аҳамиятини ва унинг таъсир этувчи ролини ўрганишга ҳаракат қилдик. Ўтказилган тадқиқот натижалари асосида айтиш мумкинки, ҳамкорлик кўрсаткичлари Самарқанд (6,1579), Қашқадарё (5,5263) ва Жиззах (6000) вилояти меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг кўрсатган натижалари ўртача бални ташкил этди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоий ҳаётга мослашишида юзага чиқадиган хулқ - аторида ўзаро муносабатларда ўзини тутишлари, ҳиссиётга берилмаслик, хатти - ҳаракатларини, билдираётган фикрларини назорат қилиш ва бошқара олишлари, шахслараро муносабат жараёнида ўзаро ҳамда бошқаларнинг эҳтиёжларини эътиборга олишлари, қийин вазиятларда эса барча одамларни қизиқиш ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ижобий ечим топишга интилишлари намоён бўлмоқда. Бизни назаримизда, меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари хулқ - аторида намоён бўлаётган ушбу хусусиятлар уларнинг ижтимоий ҳаётга мослашишларида



# SCIENCE TIME

муҳим омил бўлишидан далолат, буни тадқиқот натижалари ҳам асослаб турибди.

**3. Мурсалилик.** Русча - ўзбекча луғатда мурса қилишга бир - бирига ён бериш, ўзаро келишув, битим, мурса, ўзаро келишмоқ, мурсага (битимга) келмоқ дея таъриф берилган. Тадқиқотчи У.Р.Убайдуллаеванинг диссертацион ишида мурса қилиш қуйидагича ифодаланади: «Психологик адабиётларда мурсага турлича таърифлар берилган бўлиб, бизни назаримизда қуйидаги таъриф биз ўрганаётган масалага нисбатан тўғри келади. Мурса - низоли вазиятнинг иштирокчилари ўзаро диалог асосида ёки учунчи шахс ёрдамида, ҳеч бўлмаганда ўз ҳолатини бироз бўлсада ўзгаришига келишиб олишга эришади ва тажовузни олдини олиш мақсадида кўпроқ бахслашаётган томонни тарафини олишга ҳаракат қилади. Мурса ҳар иккала томон учун ҳам адолатли бўлмаслиги мумкин, бироқ ҳар иккала тарафнинг ҳам бошқа яхшироқ имконияти бўлмаганда, бунга вақтинча келишиб олиши билан ифодаланади» [2].

Юқоридаги мурса қилишга берилган таъриф асосида айтиш мумкинки, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоий ҳаётга мослашишида мурсалилик хислатининг ҳам аҳамияти бекиёсдир.

Биз тадқиқотимиз жараёнида меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида мурсалилик хислатини қай даражада намоён бўлишини ўргандик.

Тадқиқотда олинган натижалар Самарқанд, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларининг меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг кўрсаткичларида тафовут кузатилмади, уларнинг натижалари ўртача қийматга тенг эканлиги кўринди. Тадқиқот натижаларига асосан меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида мурсалилик, келишувчанлик хусусиятлари, қайишқоқликлари, ўзаро муносабат жараёнида муаммодан қочиш, компромиссга бориш, ўзларини бошқара олиш, ҳиссиётга берилмаслик, ҳамкорликка чорлаш, ён бериш, ўзидаги тажовузни назорат қила олиш каби хусусиятларни намоён бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Айтиш лозимки,



# SCIENCE TIME

меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида ушбу хислат ижобий жиҳатдан юзага чиққанини кўришимиз мумкин, бу эса ўз навбатида уларнинг ижтимоий ҳаётга тезроқ мослашишларида муҳим ўрин тутиши билан аҳамиятли ҳисобланади.

**4. Тортишувдан қочиш.** Кўпгина луғатларда, асосан Ожегов ҳамда русча – ўзбекча луғатларда тортишувдан қочиш терминига « йўл қўймаслик учун, сақланиш учун, жанжал бўлмаслиги учун » деган таърифлар берилган, бироқ, бошқа бирорта психологик луғатда бу терминга таъриф берилмаган. Психологик адабиётларда бу борада баъзи психолог олимларнинг фикрлари баён этилган. Жумладан, психологлар А.Я.Анцупов, А.И.Шипиловларнинг фикрига кўра, тортишувдан қочиш, бу ўзини кўрқитадиган ҳолатлардан ўзини олиб қочадиган шахснинг хатти – ҳаракати бўлиб, қочиш жанжалли вазиятларда ўзини тутиш санъати сифатида изоҳланади. Бундай вазиятларнинг келиб чиқиши бир нечта сабаблар билан боғлиқ ҳолда изоҳланади:

- биринчи сабаб, низоли вазият мавзуси аҳамиятсиз ва низони натижаси уни унга қизиқтирмайди;

- иккинчи сабаб, умидсизликка тушганда ва рақиби низони ўз фойдасига ҳал қилиши учун имконияти юқорида бўлганда;

- учинчи сабаб, низони ҳал қилишни кечиктирганда [1].

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоий ҳаётга мослашишида тортишувдан қочиш хусусиятини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки, Самарқанд ва Жиззах вилояти меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг натижалари билан Қашқадарё вилояти тарбияланувчилари ўртасида бироз тафовут борлиги аниқланди (2.2.1-жадвалга қаранг). Мазкур натижалар шундан далолат берадики, Самарқанд ва Жиззах вилояти меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ҳулқ - атворида ўзаро муносабатларда низоли вазиятларга тушиб қолганда бироз рақобатга киришадиган, фикрини ва ўз позициясини ҳимоя қилиш,



# SCIENCE TIME

ушбу вазиятни тафсилотларига аҳамият бериш, вазиятни ҳал этишни ортга сурмаслик каби хусусиятларнинг намоён бўлишини кўриш мумкин. Қашқадарё вилояти тарбияланувчиларида эса ўзларини тенгдошлари ўлароқ, ўзаро муносабат жараёнида бироз ўзларини босиқ тутиш, ҳар хил вазиятлардан (айниқса низоли вазиятлардан) қочиш, вазиятни чуқурлаштирмаслик, муросалилик каби хулқ - атвор хусусиятлари юзага чиққанлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Биз бу ҳолатни, биринчидан, тарбияланувчиларнинг ички кечинмалари, уларнинг яшаш шароитларидаги психологик муҳитнинг фарқи ҳамда иккинчидан, атрофидаги одамларга бўлган ишончсизлик ҳисси билан характерланади деган фикрни билдиришимиз мумкин.

**5. Вазиятга мослашиш.** Кўпгина луғатларда мослашишга «мувофиқлашиш, кўникиш, ўрганиш, шароитга мослашиш» деб таъриф берилган. Психологлар А.Я.Анцупов, А.И.Шипиловлар мослашувчанлик хусусиятига қуйидагича таъриф берадилар: «Бу можаро иштирокчисининг ўзини тутиш услуби бўлиб, қарама - қаршиликка йўл қўймаслик учун ўз манфаатларини қурбон қилишга ва бошқа одамга ёрдам беришга тайёр. Бу позицияни ўз қадр - қимматини паст баҳолайдиган, ўз мақсадларини ва манфаатларини ҳисобга олмайдиган одамлар танлайдилар» [1].

Назаримизда, мослашувчанликка берилган юқоридаги таъриф бир томонлама талқин этилган, чунки бу фикр ҳар бир миллатнинг ўзига хослигига зид бўлиб, туркий миллатларнинг этнопсихологик хусусиятлари бўлмиш камтарлик, катталарнинг гапини икки қилмаслик, уларни ҳурматини ўрнига қўйиш, яхшилиқни ўйлайдиган, ўзини ўйламаслик инсонийлик сифатлар саналади.

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоий ҳаётга мослашишида мазкур хусусиятнинг аҳамиятини ва таъсирини ўрганишга ҳаракат қилдик, чунки меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоийлашувида, уларнинг келгусида ижтимоий жамиятда ўз ўрнини



# SCIENCE TIME

топишида, жамиятнинг мустақил фуқароси бўлиб шаклланишида мослашувчанлик хусусияти муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, бу хусусият шахс хулқ - атворининг бир хислати сифатида таърифланади.

Ўтказилган тадқиқот натижалари Самарқанд, Қашқадарё ҳамда Жиззах вилояти меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари кўрсаткичлари ўртасида тафовут йўқлигини кўрсатмоқда (2.2.1-жадвал).

Бу ҳолатни биз қуйидагича изоҳлашимиз мумкин: Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ижтимоий ҳаётга мослашиш жараёнида уларнинг хулқ - атворида икки хил ҳолатни кўришимиз мумкин, баъзи ҳолатларда улар бошқаларни фикрига қўшиладилар, рақобатга киришмайдилар, сушт ва ҳамкорлик қилишга интилсалар, баъзан эса ўзларини ҳамкорликка, ўша вақтдаги вазиятга мослашишга ҳаракат қилишлари яққол юзага чиққанлигини кўриш мумкин. Шунинг билан бирга, улар атрофдаги одамларни фикрини инкор этмайдилар, фикрини қабул ҳам қилмайдилар, шунингдек, юзага келган вазиятни биргаликда ечишга, вазиятга мантиқан ёндошиб, мақбул ечим топишга ҳаракат қилишлари намоён бўлди. Бизни тадқиқотимиз натижаларига яқин бўлган кўрсаткичларни У.Убайдуллаеванинг илмий тадқиқот ишларида ҳам кўриш мумкин. Бу натижаларни биз меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ва тарбиячилар билан ўтказилган суҳбатларимизда уларнинг фикрларини ҳам инобатга олган ҳолда изоҳлашга ҳаракат қилдик.

## **ХУЛОСА.**

Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг ижтимоий ҳаётга мослашишларида хулқ-атвор хусусиятлари борасида ўтказилган тадқиқот натижалари асосида айтиш мумкинки, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларининг рақобат, ҳамкорлик, муросалилик, тортишувдан қочиш ва вазиятга мослашиш каби шахс хусусиятлари самарали шаклланиши уларнинг ижтимоийлашувида муҳим аҳамият касб этар экан. Шунингдек,





# SCIENCE TIME

уларнинг ўзаро муносабатларда юзага келадиган хулқ-атвор хусусиятларини ўсмирлик даврига хос бўлган хусусиятлар билан ҳам изоҳлаш мумкин.

## АДАБИЁТЛАР:

1. Анцупов. А. Я, Шипилов. А. И. Словарь конфликтолога. -Москва, 2009.
2. Убайдуллаева У.Р. Ота – она ва фарзандлар ўртасидаги низоларнинг ижтимоий–психологик хусусиятлари. п.ф.ф.д.(PhD) диссертацияси. - Тошкент, 2022, 53-54 б.
3. Абдурасулов Р.А.“Шарқ яккакураш ва шахс камолоти”. Монография. - Тошкент, Фан, 2008. 116 б.
4. Божович Л.И. Личность и ее формирование детским возрасте. – СПб.: Питер, 2008, - 400 с.
5. Бондаревская Е.В. Формирования нравственного сознания старших школьников. -Ростов н/Д. 1976, 192 с.
6. Прихожан А.М. Психология сиротства. -СПб, Изд-во Питер, 2007.- 416 с.
7. Толстых А.В. После детства. //Новое в жизни науке и технике. № 5. - Москва, 1982. с.96.
8. Ротенберг В.С. Бондаренко С.М. Мозг обучение: здоровье. -Москва, 1989. с 12.
9. То`рақулов Л.Т. Yetim va ijtimoiy yetim bolalarning kelib chiqish sabablari va ularni bartaraf etish yo`llari. Guliston davlat universiteti axborotnomasi. 2022, 4-son.
10. Туракулов Л.Т. Oilaviy bolalar uylari tarbiyalanuvchilarining ijtimoiylashuvi. Каракалпакский государственный университет. Журнал «Муғаллим хэм ўзликсиз билимлендириу». -Некис, 2022, 6, 70-74 б.